

5. Раббимов А. Интродукция, селекция и семеноводство аридных кормовых растений в Узбекистане (состояние и перспективы). //Проблемы биологии и медицины. №2 (15) 2000.-41-45 с.

6. Шамсутдинов З.Ш., Парамонов В.А., Назарюк Л.А. Авторские свидетельства № 1794417 “Способ интродукции пустынных кормовых растений. М., 1992 г.

УДК: 633. 2/3-(252.34).

“ҚАРНАБ” ТАЖРИБА ДАЛАСИДА БАРПО ЭТИЛГАН ЭКИНЗОРЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Х.Э.Солиев, Ш.Қ.Синдаров

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада гипсли чўл шароитида барпо этилган истиқболли чўл озукабон ўсимликларининг пичан ҳосилдорлиги ва уларнинг об-ҳаво шароитларига боғлиқлиги баён қилинган.

Калим сўзлар: Чўл озукабон ўсимликлари, гипсл чўл, яйлов, буталар, ярим буталар, ўтлар, пичан ҳосилдорлиги.

Annotation. The article describes the hay productivity of promising desert forage plants established in gypsum desert conditions and their dependence on weather conditions.

Key words: desert forage plants, gypsum desert, grassland, shrubs, semi-shrubs, grasses, hay productivity.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз ҳудуди ер майдонинг 20,6 млн гектари табиий яйловлар зиммасига тўғри келиб, улар асосан қурғоқчил минтакаларда жойлашган. Қурғоқчил ҳудудлар денгиз сатҳидан 300-400 м баландликда жойлашган чўллардан бошланиб 500-1200 м ва ундан баланд бўлган адирларни қамраб олади. Табиий яйловларга ҳос ўта муҳим ноёб хусусиятулардаги ўсимликларнинг ҳар йили қайта тикланиши ва тегишли озука заҳираси тўплашидир. Бироқ кейинги йилларда қурғоқчилик ва чўлланиш бутун дунё миқёсида тез суръатлар билан ортиб бормоқда.

Яйлов чорвачилиги Республикамиз озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминловчи муҳим соҳалардан биридир. Жумладан чўл ва адир яйловлари қоракўлчилик, туячилик, эчкичиликда йил давомида фойдаланилади ва чорва молларининг озукага бўлган йиллик эҳтиёжининг 95 фоизи ушбу яйловлар ҳисобидан қондирилади.

Шу боисдан, қурғоқчиликка ва шўр тупроқ шароитларига чидамли, серҳосил, қимматли озукавий хусусиятларга эга истиқболли яйлов озукабон ўсимлик турларидан фойдаланиш асосида яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, уларнинг таркибий қисмини янги ўсимликлар билан бойитиш ўта долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 16 августида қабул қилинган ПҚ-4420 сонли “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида таъкидлаб ўтилган чўл-яйлов ўсимликларининг уруғчилик майдонларини 2021 йилгача Республикамизда 8700 гектарга етказиш мақсадида, истиқболли чўл озукабон ўсимликлари уруғларига бўлган талабнинг юқорилигини ҳисобга олиб, чўл яйловларида уруғ етиштириш ҳажмини кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил, 6 июндаги қабул қилган ПҚ-277 сонли “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида яйловлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, озукабон ўсимликларнинг маҳаллий навларини яратиш, яйлов

экинлари уруғчилигининг илмий асосларини ва чўлда интенсив озуқа ишлаб чиқаришнинг адаптив тизимини ишлаб чиқишдек долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Тадқиқотнинг манбаи ва услублари. Тадқиқотларнинг манбаи бўлиб Қарнабчўлнинг сур-қўнғир ва оч сур-қўнғир тусли тупроқлари, ҚЧЭИТИ чўл озукабоп ўсимликлари генофондидан танлаб олинган буталар ва ярим буталардан иборат чўл озукабоп ўсимликлари уруғлари хизмат қилади.

Тадқиқотларни олиб боришда қуйидаги услублардан фойдаланилади: ўсимликларнинг фенологиясини ўрганишда И.Н.Бейдеман, (1960) таклиф қилган услублардан фойдаланилди. Дала тажрибаларини ўтказиш, ўсимликларнинг яшовчанлиги, ўсиши, хашак ҳосилдорлигини ўрганишда “Чўл озукабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси бўйича услубий тавсиялар” дан фойдаланилди. (Раббимов А., Ҳамроева Г. 2016).

Фенологик кузатишлар (И.Н.Бейдеман, 1960) таклиф қилган услубдан фойдаланилди, уруғларнинг яшовчанлигини ўрганишда уруғшуносликда умум қабул қилинган (Кулешов, 1963) услубидан фойдаланилиб ўрганилди. Тадқиқотлардан олинган маълумотларнинг биостатик таҳлили (Доспехов, 1985) томонидан тавсия қилинган услублар асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари ва уларни баҳолаш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 16 августида қабул қилинган ПҚ-4420 сонли “Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, чўл-яйлов ўсимликларининг уруғчилик майдонларини 2021 йилгача Республикамизда 8700 гектарга етказишни таъминлаш мақсадида институтимиз томонидан “Саҳоба ота” қорақўл насл МЧЖ нинг “Ҳаккар” массивида жойлашган 100 гектар майдонда истиқболли чўл озукабоп навларининг бирламчи уруғчилик майдонлари ташкил этилган.

Илмий адабиётлар маълумотларига кўра Қарнабчўл 500 минг гектар майдонни эгаллаган бўлиб, қорақўлчилик хўжаликлари ривожланган энг йирик регионлардан бири ҳисобланади. “Тутли қорақўл замини” МЧЖ ҳудудида 20 гектар майдонда чўл озукабоп ўсимликларидан қора саксовул, қуйровук, черкез, терескен, чўғон ўсимликлари парваришланмоқда. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтига қарашли бўлган Қарнаб тажриба даласи Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Тутли қорақўл замини” МЧЖ ҳудудида 20 гектар майдондан, “Саҳоба ота қорақўл насл” МЧЖ да 4 гектар майдонда, Қарнаб МЧЖ нинг “Ҳаккар” массивида ҳам 100 гектар майдондан иборат бўлиб, жами 124 гектар ер майдонини ташкил этади.

Қарнаб тажриба даласи “Ҳаккар” массиви 100 гектардан иборат уруғчилик майдонларида парваришланаётган чўл озукабоп ўсимлик навларининг ўсиши ва ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили натижаларига кўра чўл озукабоп ўсимликларидан изеннинг “Отавный”, Олабутанинг “Ягона” ҳамда қуйровук намуналарининг учинчи вегетация йилидаги бўйига ўсиши изеннинг “Отавный” нави ўртача 83,0-97,2 см, олабутанинг “Ягона” нави эса, ўртача 69,1-80,1 см ни, чўғоннинг “Жайхун” навида 83,4 см, қуйровукда эса бу кўрсаткич ўртача 58,6 см эканлиги қайд этилди.

Ўсимликларнинг туп сони қалинлиги албатта, уруғчилик майдонларидаги парваришланаётган чўл озукабоп ўсимликлари турлари навларининг уруғ ҳосилдорлиги кўрсаткичлари билан узвий боғлиқ. Шу сабабдан юқорида келтирилган навларнинг майдонлардаги туп сони қалинлиги изеннинг “Отавный” навида, гектарига ўртача 4500 минг.дона/га, ни, олабутанинг “Ягона” нави 2300 минг.дона/га, чўғоннинг “Жайхун” навида эса 4500 минг.дона/га, ни ташкил этган бўлса, қуйровукнинг “Первенц Карнаба” навида эса бу кўрсаткич ўртача 6150 минг.дона/гани ташкил этганлиги қайд этилди (1-жадвал).

“Ҳаккар” массивида парваришланаётган чўл озукабоп ўсимликларининг бўйига ўсиши ва туп сони қалинлиги кўрсаткичлари

№	Ўсимлик номлари	Ўсимликларнинг бўйигаўсиши, см		Туп сони, минг. дона/га
		ёз	куз	
1	Изен “Отавий”	83,0±1,8	90,4±1,4	4,500
2	Олабута “Ягона”	69,1±2,9	76,1±3,5	2,300
3	Қўйровук “Первенц Карнаба”	58,6±1,8	60,3±1,0	6,150
4	Чўғон “Жайхун”	83,4±7,0	90,4±0,8	4,500

Октябр оий ўсимликлар вегетациясининг айни уруғлаш даври ҳисобланган куз фаслида уруғчилик майдонларида парваришланаётган изеннинг “Отавий” навининг бўйига ўсиш кўрсаткичи 90,4 см ни ташкил этган бўлса, олабутанинг “Ягона” навида эса бу кўрсаткич 76,1 см гача бўйига ўсганлиги қайд этилди, қўйровукнинг “Первенц Карнаба” нави 60,3 см ни, чўғоннинг “Жайхун” нави ҳам изеннинг “Отавий” нави сингари 90,4 см га бўйига ўсганлиги аниқланди.

Карнаб тажриба даласи бирламчи уруғчилик майдонларидан жорий йилда жами бўлиб, 2734,5 кг сифатли уруғлар институт омборига топширилди. Шундан изеннинг “Отавий” навидан-639 кг, Қўйровук “Первенц Карнаба” навидан-356 кг, чўғоннинг “Жайхун” навидан эса 845 кг, саксовул “Нортуя”-500 кг дан уруғ ҳосили йиғиб олинди (2-жадвал)

2022 йилда Қарнаб тажриба даласидан йиғилган чўл озукабоп ўсимликлари уруғлари ҳосилдорлик кўрсаткичлари

№	Ўсимлик турлари ва навлари	Уруғ ҳосили, кг
1	Изен “Отавий”	639
2	Қўйровук “Первенц Карнаба”	356
3	Олабута “Ягона”	389
4	Чўғон “Жайхун”	845
5	Саксовул	500
6	Терескен	5,5
жами		2734,5

Хулоса. Қарнабчўл шароитида уруғчилик майдонларини барпо қилишда биринчи навбатда ерга агротехник (шудгор, барона, мола) тадбирларларни қўллаш, уруғларнинг унвчанлиги 100% хўжалик учун яроқли бўлган уруғлардан экиш мақсадга мувофиқ. Ерда тупроқ намлик даражасининг нормада бўлиши чўл озукабоп ўсимликлари яшовчанлигининг сақланиб қолиши, ўсимликларнинг яхши ўсиб ривожланишига ҳамда сифатли уруғлар етиштириш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 16 августида қабул қилинган ПҚ-4420 сонли “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил, 6 июндаги қабул қилган ПҚ-277 сонли “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
3. Бейдеман И.Н. Изучение фенологии растений.// Полевая геоботаника. –Москва-Ленинград. 1960, Том №2, с-333-366.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. –М.: “Колос”, 1985. – 350.